

А Ж Р И М

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақида

2022 йил октябрь ойининг 11 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг сайёр суд мажлиси, Андижон шаҳар ИИО ФМБ ЙХХБ биносида бўлиб, раислик қилувчи шаҳар судининг судьяси К.Шахобутдинов, судья ёрдамчиси Х.Дадақўзиевни котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Юлдашев, гумон қилинувчи У.Зулпиқоров ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Рузиохунов, жабрланувчини вакили С.Дултабоев ва фуқаровий даъвогар Д.Отабоеваларни иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи Зулпиқоров Уткирбек Уктамжон ўғлига нисбатан 1-1701-2202/891 - сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра,

Зулпиқоров Уткирбек Уктамжон ўғли (Zulpiqorov Utkirbek Uktamjon o'g'li), 1997 йил 27 май куни Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, ҳарбий хизматга мажбур, муқаддам судланмаган, давлат мукофотлари олмаган, ҳайдовчи, Андижон шаҳар Соғ МФЙ, Бухоро кўчаси 5-уй 3-хонадонда яшайди.

Суд, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларни аризаларини муҳокама қилиб, иш бўйича тўпланган далилларни суд мажлисида текшириб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки суриштирув ҳужжатларига кўра, У.Зулпиқоров 2022 йил 25 август куни соат тахминан 08-15 ларда «Матиз» русумли давлат рақам белгиси 60 Z 359 НА бўлган автомашинасини Андижон шаҳар Ёрбоши МФЙ ҳудудида ўтган “Айрилиш-Жахон бозори” йўлида бошқариб кетаётиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг, 3-бандида «Йўл ҳаракати қатнашчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги



тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, ушбу қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, уларга берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.», 11-бандининг “г” кичик бандида «Транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришиш шарт» деб, 77-бандида «Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариш керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак» деб кўрсатилган талабларини бузиб, ушбу йўлни “Жахон бозори” йўналиши қисмидан кесиб ўтаётган вояга етмаган Тўлқинжонов Акбаржон Соҳибжон ўғлини уриб юбориб, иш бўйича ўтказилган суд тиббий экспертизасининг 26.08.2022 йил кунги хулосасига кўра вояга етмаган А.С.Тўлқинжоновга “ўнг катта болдир суягини ўсиш зонадан синиши ва ўнг кичик болдир суягини пастки қисмидан бир оз силжиб ёпиқ синиши” каби ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказилишига сабабчи бўлганлиги аниқланган.

Дастлабки суриштирув органи томонидан мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, У.Зулпиқоров Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган.

Гумон қилинувчи У.Зулпиқоров судга ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, ҳозирда жабрланувчини вакили ва фуқаровий даъвогар билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, жабрланувчини вакили ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини кўрсатиб, унга нисбатан



юритилган жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Жабрланувчини вакили С.Дултабоев судга ариза тақдим қилиб, ҳозирда У.Зулпиқоров билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини, У.Зулпиқоровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини, ярашувлари ихтиёрий бўлганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини кўрсатиб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Д.Отабоева судга ариза тақдим қилиб, ҳозирда У.Зулпиқоров билан ихтиёрий равишда ярашиб олганини, унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганини, У.Зулпиқоровга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан ҳеч ким тазйиқ ўтказмаганини, ярашувлари ихтиёрий бўлганини, ярашув оқибатлари унга тушунтирилганини кўрсатиб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни сўради.

Суд, жабрланувчини вакили С.Дултабоев, фуқаровий даъвогар Д.Отабоева ҳамда гумон қилинувчи У.Зулпиқоровлар томонидан тақдим қилинган аризаларни жиноят иши материалларига қўшиб ўрганиб чиқиб, уларнинг ярашувлари ихтиёрий эканини, гумон қилинувчи ўз айбига тўла иқроор ва чин кўнгилдан пушаймон эканини, содир этган қилмишини оқибатларини англаганини, зарарлар тўла қопланганини, уларга ярашув даврида ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганини, С.Дултабоев ва Д.Отабоевалар билан У.Зулпиқоровлар ярашувга рози эканликларини, прокурорнинг ёрдамчиси А.Юлдашев ва ҳимоячи А.Рузиохуновларнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, мазкур жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш учун монелик қилувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги боис, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги 27-сонли «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84-моддасига асосланган ҳолда, У.Зулпиқоровни жинойий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини унинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Суд юқорида баён этилганларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84, 582, 585-586-моддаларини қўллаб,



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Зулпикоров Уткирбек Уктамжон ўғли (Zulpiqorov Utkirbek Uktamjon o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниб, жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, гумон қилинувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб йигирма кунлик муддат ичида шу суд орқали Андижон вилояти суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят келтириш ёки хусусий протест билдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Раислик қилувчи (имзо)
К.Шахобутдинов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,

Жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар судининг
судьяси
К.Шахобутдинов

Маъсул судья: Шахобутдинов Камолдин Садирдинович

